

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ЗУЛФИКАРИЕВА ДИЛНОЗА АЛИШЕРОВНА

АЛКАЛОИД САҚЛОВЧИ ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН
ЗАҲАРЛАНИШЛАРНИНГ КИМЁ-ТОКСИКОЛОГИК
ИЗЛАНИШЛАРИ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Зулфикариева Дилноза Алишеровна

Алкалоид сақловчи ўсимликлар билан заҳарланишларнинг кимё-токсикологик изланишлари 3

Зулфикариева Дилноза Алишеровна

Химико-токсикологические исследования отравлений алкалоид-содержащими растениями 29

Zulfikarieva Dilnoza Alisherovna

Chemical and toxicological researches of poisonings with plants of the containing alkaloid 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ЗУЛФИКАРИЕВА ДИЛНОЗА АЛИШЕРОВНА

АЛКАЛОИД САҚЛОВЧИ ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН
ЗАҲАРЛАНИШЛАРНИНГ КИМЁ-ТОКСИКОЛОГИК
ИЗЛАНИШЛАРИ

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Far.13. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Юлдашев Закирджан Абидович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Урманова Флюра Фаридовна
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Тулаганов Абдуқодир Абдурахмонович
фармацевтика фанлари доктори, профессор

Юнусходжаева Нодира Абдулхамитовна
фармацевтика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc 04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «4» 12 соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45 уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2020 йил «18» 11 куни тарқатилди.
(2020 йил «18» 11 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



К.С.Ризаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм.ф.д., профессор

Ф.Ф.Урманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг 1/3 қисми доривор ўсимликлардан олиниши маълум. Аҳоли орасида фитопрепарат ва биологик фаол қўшимчаларга бўлган талабнинг ортиши, айниқса, доривор ўсимлик хом ашёлари ва улардан олинган дори воситаларининг арзон ва безарар, ножўя таъсирлардан холи деб ҳисобловчи, сурункали касалликларга дучор бўлган катта ёшдаги беморларнинг билиб-билмай қўллаш ёки доривор ўсимликни кўп миқдорда сурункали равишда истеъмол қилиши оқибатида ушбу маҳсулотлар билан турли даражадаги заҳарланиш ҳолатларининг кўплаб учрашига олиб келмоқда. Шунинг учун, ўсимликлар билан заҳарланиш ҳолатларини ўрганиш ва заҳарланиш юз берганда улар таркибидаги асосий таъсир этувчи моддаларни тезкор ва аниқ таҳлил усуллари ёрдамида аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан “биофаол қўшимча” сифатида қўлланилган доривор ўсимликларнинг ножўя таъсиридан инсонларнинг турли даражада заҳарланиш ҳолатларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада дунё миқёсида кенг тарқалган ва ҳозирги кунда одамларни заҳарланишига сабаб бўлган айрим доривор ва заҳарли ўсимликлар таркибидаги моддаларни ўсимлик хом ашёси ва биологик объектлардан ажратиб олишнинг умумий, ўзига хос усуллариининг назарий ва амалий асосларини ўрганишни тақозо этмоқда.

Республикамизда турли моддалар билан заҳарланишни олдини олиш, экспертиза жараёнларини самарали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бобида “аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга.., аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш...”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада ўсимлик таркибидаги биологик фаол моддани экстракция қилиш ва биологик объектлардан уларни ажратиб олиш усуллари ўртасидаги боғлиқлик ва ўзига хосликни ўрганиш, ушбу моддаларнинг суд-кимё экспертизаси ва кимё-токсикологик таҳлиллари талабларини қондирувчи тезкор ва юқори самарали аниқлаш усуллариини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотларни ўтказиш амалий масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги “2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5707-сонли Фармони, 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

сонли, шунингдек, 2018 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4049-сон, 2019 йил 17 январдаги “Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон қарорлари ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Ўрганилаётган ўсимликлар таркибидаги алкалоидларни таҳлил қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Кубань давлат университети, Томск давлат университетининг Биология институти (Россия Федерацияси), Витебск давлат тиббиёт университети, Белоруссия давлат университети (Белорусь), Словакия Фанлар академияси Кимё институти (Словакия), Хитой тиббиёт академияси, Гуанхи доривор ўсимликлар ботаника боғи (Хитой Халқ республикаси), Калифорния университети токсикология лабораторияси, Питтсбург захарли ўсимликларни тадқиқот лабораторияси (АҚШ), Манитоба университетида (Канада) олиб борилмоқда.

Ўсимликлар таркибидаги алкалоидларни биологик объектлардан ажратиб олиш, уларни идентификация қилиш, турли усуллар ёрдамида таҳлилни амалга оширишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: пирролизидин алкалоидларини модел объектларида таҳлили ишлаб чиқилган (University of Utah, USA); яшил шамшод ўсимлиги таркибидаги алкалоидларни ажратиш усуллари ишлаб чиқилган (Institute of Chemistry, Slovak Academy of Sciences, Словакия); сассиқ алаф ўсимлиги таркибидаги алкалоидларни захарли таъсири аниқланган (School of Pharmacy, University of London, United Kingdom); пирролизидин алкалоидларини идентификация қилиш усуллари ишлаб чиқилган (University Porto, Portugal); биологик объектларда ЮССХ усулида кониин алкалоидини таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилган (Национальный фармацевтический университет, Украина); тропан алкалоидларини хроматографик таҳлил усуллари яратилган (Кубанский государственный университет, Россия Федерацияси).

Дунёда доривор ўсимлик хом ашёлари, улар асосида тайёрланган биологик фаол қўшимчалардан захарланишни олдини олиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: захарли таъсир этувчи ўсимликлар таркибидаги алкалоидларни аниқлашнинг замонавий таҳлил усуллари ишлаб чиқиш, ушбу усулларни суд-кимё

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.elsevier.com/locate/jethpharm, www.springerlink.com/content ва бошқа манбалар асосида шакллантирилган

экспертиза лабораториялар амалиётига татбиқ этиш, тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш марказларида экспресс таҳлил усуллари олиб бориш, суд-тиббий экспертизаси марказларида аниқ ва сезгир таҳлил усуллари қўллаш, суд кимёгарлари фаолияти учун амалий ёрдам кўрсатиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алкалоид сакловчи заҳарли ўсимликлар билан заҳарланган одамлар мурдаси ички аъзоларидан кучли таъсир этувчи моддаларни ажратиб олиб кимё-токсикологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш устида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида ўсимликлар билан заҳарланиш ҳолатлари ва унда кузатиладиган белгилар, дастлабки таҳлил усуллари ишлаб чиқиш бўйича изланишлар куйидаги олимлар томонидан олиб борилган: А.В.Ахутина, М.Кедрова, М.В.Филонова, Ю.Ю.Малиновский, В.С.Бондарь, Н.Х.Шевченко, Е.А.Фомичева, В.М.Серов, А.П.Кудряшов, Д.В.Моисеев, В.А.Куркин, А.А.Погоцкая, С.И.Арутюнянц, Ф.Ибадуллаев, А.З.Темердашев, И.А.Колычев, Н.В.Киселева, О.Бауерова, В.Т.Кромвель, З.Вотиски, Yao Chen, Zhao Zhang, Lander Ave, A.Fisher, P.R.Cheeke, S.L.Everist, G.D.Oswailer, K.E.Panter, J.Vetter, A.Mitsutoshi, T.A.Lopez, B.S.Frank, A.Sarfraz томонидан олиб борилган.

Алкалоидлар сакловчи ўсимликлар билан заҳарланганда уларни ўсимлик ва биологик объектлардан ажратиб олиш ҳамда замонавий физик-кимёвий усулларда тезкор аниқлаш услублари ишлаб чиқиш бўйича ўзбек олимларидан С.Ш.Фахрутдинова, М.В.Икрамова, Х.З.Ибрагимовлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мазкур диссертация иши илк бор кимё-токсикологик тадқиқотлар талабини қондирадиган сезгир, тезкор ва аниқлик даражаси юқори бўлган услубларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган таҳлил услубларини биологик объектлар таркибидан ажратиб олинган моддаларни аниқлаш учун татбиқ этиш ва улар асосида суд-тиббий экспертиза марказларида суд-кимёгарлари учун зарур бўлган умумлаштирилган услубий қўлланмалар тайёрлаш бўйича биринчи илмий изланиш ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг “Фармацевтик ва токсикологик таҳлил усуллари такомиллаштириш” илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ўсувчи заҳарли ўсимликлар билан заҳарланиш ҳолатларининг назарий жиҳатдан асосланган суд-кимё ва кимё-токсикологик таҳлил усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсимликлар билан заҳарланишларни суд-кимё ва кимё-токсикологик таҳлили бўйича хорижий ва миллий меъёрий ҳужжатларнинг талаблари даражасини ўрганиш, уларни суд-кимё ва кимё-токсикологик таҳлил усуллари ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ҳамда ахборот-таҳлилий

тадқиқотлар асосида ҳозирги талаблар даражасига мувофиқ услубий тизимли ёндашувни таклиф қилиш;

ўрганилаётган ўсимликлар хом ашёлари ва биологик объектлар (шу жумладан биологик суюқликлар) таркибидан алкалоидларни ажратиб олишнинг тезкор диагностик усуллари ишлаб чиқиш;

ўсимликлар билан заҳарланган тажриба ҳайвонлари ошқозон-ичак тизимида ўсимлик қолдиқ қисмларини дастлабки микроскопик текширув услубларини ишлаб чиқиш ва суд-кимё экспертиза амалиётига тадбиқ этиш;

алкалоидларни юпқа қатлам хроматографиясининг скрининг усули ёрдамида таҳлил услубини ишлаб чиқиш;

юқори самарали суюқлик хроматографияси усули ёрдамида алкалоидларни таҳлил қилиш услубини ишлаб чиқиш ва биологик объектлар таркибидан ажратиб олинган моддаларни аниқлашга тадбиқ этиш;

термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопия усулида алкалоидларнинг таҳлилин ишлаб чиқиш ва уни кимё-токсикологик объектлардаги алкалоидларни аниқлашга жорий этиш;

ўрганилаётган ўсимликлар алкалоидларини аниқлашнинг ишлаб чиқилган таҳлил услубларини суд-тиббий экспертиза объектлари ва ашёвий далиллардан ажратиб олинган моддаларни идентификация қилиш ва аниқлаш учун тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сассиқ алаф, яшил шамшод, кампирчопон, катта қончўп, қора мингдевона, оддий белладонна, улар билан заҳарланган лаборатория ҳайвонлари ички аъзолари (жигар, буйрак, ошқозон ва ичак) ва биологик суюқликлар (қон, пешоб, ошқозон чайинди сувлари)дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети алкалоидларни суд-тиббий экспертиза объектлари (мурда ички аъзолари, қон, пешоб ва ошқозон чайинди сувлари)дан ажратиб олиш, идентификация қилиш ва миқдорини аниқлашнинг юпқа қатлам хроматография (ЮҚХ), юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), газ-хромато-масс-спектрометрия (ГХ-МС), ультрабинафша спектрофотометрия (УБ-СФ), термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопия (ТДСИС) усуллари ўрганиш, ўткир заҳарланиш ҳолатларида тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун заҳарли ўсимликларни аниқлашнинг тезкор таҳлил услубларини ишлаб чиқиш; ошқозон чайинди сувларидан ўсимлик қолдиқларининг микроскопик текширувини олиб бориш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таҳлилнинг замонавий физик-кимёвий усуллари (ЮҚХ, ЮССХ, ГХ-МС, УБ-СФ, ТДСИС) ва микроскопик таҳлилнинг анъанавий усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сассиқ алаф, яшил шамшод, кампирчопон, катта қончўп таркибидаги алкалоидларни биологик суюқлик ва объектлардан ажратиб олишнинг назарий асосланган услублари ишлаб чиқилган;

сассиқ алаф, яшил шамшод, кампирчопон, катта қончўп, қора мингдевона, оддий белладонна ўсимликларининг асосий заҳарли таъсир этувчи моддаларини кимё-токсикологик нуқтаи назардан ЮҚХ-скрининг,

ГХ-МС, ЮССХ, УБ-СФ, ТДСИС усулида идентификация қилиш ва миқдор таҳлили услубларида аниқланган;

ўсимликлардан ажратиб олинган ва ЮҚХ усулида тозалаб олинган алкалоидлар экстрактини таклиф этилаётган таҳлил усулларида ишончли ишчи стандарт сифатида қўллаш мумкинлиги ГХ-МС усулида идентификация қилиш орқали исботланган;

барча ишлаб чиқилган таҳлил усул ва услублари кимё-токсикологик объектлардаги алкалоидларни аниқлаш учун асосланган;

ўсимликлар билан заҳарланган тажриба ҳайвонларининг ошқозон-ичак тизимида ўсимлик қолдиқ қисмларини дастлабки микроскопик текширув услублари ишлаб чиқилган;

кучли таъсир этувчи моддаларини биологик объектлардан ажратиб олиш ва таҳлил қилишнинг ишлаб чиқилган усул ва услублари ўсимликлар ҳамда уларнинг маҳсулотлари билан заҳарланишлар содир бўлган ҳолатларда суд-кимё экспертизаси ва кимё-токсикологик текширувлар яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сассиқ алаф, яшил шамшод, кампирчопон, катта қончўп, ўсимликлари билан заҳарланганда улар таркибидаги алкалоидларни биологик суюқлик ва биологик объектлардан ажратиб олишнинг мўътадил шароитлари ишлаб чиқилган;

объектлардан ажратиб олинган алкалоидларни ЮҚХ-скрининг усулида ёт моддалардан тозалаш услуби ишлаб чиқилган;

турли объектлардан ажратиб олинган ва тозаланган алкалоидларни ЮССХ, ТДСИС усуллари ёрдамида тезкор аниқлаш услублари ишлаб чиқилган;

олинган натижалар асосида услубий тавсияномалар ишлаб чиқилган ва Республика Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари лабораториялари фаолиятида тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси замонавий математик статистик таҳлил усуллари, физик-кимёвий, лаборатория ҳайвонларидаги текширувлар асосида тасдиқланган. Ўтказилган тадқиқотлар суд-кимё экспертизаси жараёнида апробациядан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти алкалоид сақловчи ўсимликлар билан инсонларнинг ўткир ва сурункали заҳарланиш ҳолатларида мурда ички аъзолари ва биосуюқликларнинг суд-кимё экспертизасини ўтказиш жараёнида алкалоидларни ЮҚХ-скрининг, ЮССХ, ТДСИС таҳлил услублари каби замонавий кимё-токсикологик таҳлил усуллари ўлим сабабларини объектив баҳолашда ёрдам бериши Суд-кимё экспертизаси кимёгар экспертлари томонидан алкалоидларни биологик объектлар таркибидан аниқлаш имконини яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таҳлил усуллари асосида тайёрланган услубий тавсияномалар Республика Суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази ва унинг вилоятлардаги

филиаллари суд-кимё лабораторияларида мазкур ўсимликлар билан юз берган заҳарланишларнинг текширувида синовдан ўтказилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алкалоид сақловчи ўсимликлар билан заҳарланишлар билан кимё-токсикологик изланишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Биологик объект ва биологик суюқликлардан катта қончўп ўсимлиги алкалоидларини ажратиб олиш ва таҳлил қилиш” (22.06.2020 й., №8н-р/185) услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 8н-з/140-сон маълумотномаси). Натижада, катта қончўп ўсимлиги билан заҳарланишларни таҳлил қилиш имконини берган;

“Биологик объект ва биологик суюқликлардан сассиқ алаф ўсимлиги алкалоидларини ажратиб олиш ва таҳлил қилиш” (18.06.2020 й., №8н-р/166) услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 8н-з/140-сон маълумотномаси). Натижада, сассиқ алаф ўсимлигини суд-тиббий экспертизаси нуктаи назардан таҳлил қилиш имконини берган;

“Биологик объект ва биологик суюқликлардан кампирчопон ўсимлиги алкалоидларини ажратиб олиш ва таҳлил қилиш” (18.06.2020 й., №8н-р/167) услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 8н-з/140-сон маълумотномаси). Натижада, кампирчопон ўсимлиги билан заҳарланишларда унинг алкалоидларини ажратиб олиб таҳлил қилиш имконияти яратилган;

“Биологик объект ва биологик суюқликлардан яшил шамшод ўсимлиги алкалоидларини ажратиб олиш ва таҳлил қилиш” (18.06.2020 й., №8н-р/165) услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 8н-з/140-сон маълумотномаси). Натижада, яшил шамшодни биологик объект ва суюқликлардан ажратиб олиш ва таҳлил қилиш имконини берган;

ўсимликлар билан заҳарланиш ҳолатларида уларни турли объектларда замонавий таҳлил усулларида аниқлашга оид натижалар асосида «5510500-фармация» бакалаврият таълим йўналиши бўйича «Суд токсикологияси» ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (гувоҳнома №359-483). Натижада, бакалаврларнинг суд-кимё экспертизаси соҳасидаги билимларини бойитиш ва мустаҳкамлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

адабиётлар шарҳи, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 171 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация таркиби юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўсимликлар билан заҳарланишлар ва уларнинг тадқиқотлари**» бўлиб, Ўзбекистонда ўсадиган заҳарли ўсимликларнинг таъсири бўйича таснифи тўғрисида умумий маълумотларни ўз ичига олган адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда заҳарланиш ҳолатларининг қисқача тавсифи ва классификацияси ҳамда ўрганилаётган алкалоид сақловчи ўсимликлар, улар билан заҳарланиш белгилари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, изланишлар объекти бўлган сассик алаф, яшил шамшод, кампирчопон, катта қончўп, қора мингдевона, оддий белладонна ўсимликлари ҳақида умумий маълумотлар, кимёвий таркиби ҳамда улар билан заҳарланиш ҳолатларида юз берадиган организмдаги ўзгаришлар ва касаллик аломатлари келтирилган.

Иккинчи боб «**Алкалоидларни турли объектлар таркибидан ажратиш олиш**»га бағишланган бўлиб, унда ўсимликлар таркибидан заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин бўлган алкалоидларни ажратиш олишнинг 3 та усули ишлаб чиқилган. Улар орасидан мўътадил услуб танлаб олинган: майдаланган ва тешиклари диаметри 1 мм бўлган элакдан ўтказилган ўсимлик маҳсулотидан 10 г миқдорда тортиб олинган. Олинган хом ашё 250 мл ҳажмли конуссимон колбага ўтказилган. Колбадаги хом ашёга 15 мл оксалат кислотасининг 5% эритмаси ва 75 мл диэтил эфиридан солиб, чайқатиб турган ҳолда 1 соатга қолдирилган. Бунда ўсимлик таркибидаги алкалоидлар асос ҳолидан оксалат кислота тузларига ўтган. Бу тузлар сувда эрийди ва сув-кислотали қатламга ўтади. Эфир қатламида эса бошқа ёт моддалар, шунингдек, ўсимликнинг хлорофилл қолдиқлари қолган. Бу нисбатан тоза ажратма олиш имконини берган. Ажратмани қоғоз филтр ёрдамида филтрлаб олиниб, кислотали қатлам органик эритувчи қатламидан ажраткич воронка билан ажратиш олинган. Бу жараён уч марта қайтарилган. Олинган кислотали ажратмалар бирлаштирилиб, рН муҳити универсал индикатор ёрдамида назорат қилинган ҳолда аммиакнинг концентрланган эритмаси ёрдамида ишқорий (рН=9) шароитга келтирилган. Бунда алкалоидлар асос ҳолига ўтган ва улар 20 мл хлороформ билан 5 дақиқа давомида экстракцияланган. Аралашмадан органик эритувчи қатлами ажраткич воронка ёрдамида ажратиш олинган. Сувли қатлам эса яна икки

марта (15 ва 10 мл) хлороформ билан 5 дақиқадан экстракцияланган. Учта хлороформли экстрактлар бирлаштирилган. Хлороформли экстракт таркибидаги намликни бартараф этиш учун 3-5 г сувсизлангилган натрий сульфат солинган фильтр қоғози орқали филтрланган. Филтрат курук қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилган. Қурук қолдиқлар 1 мл этанолда эритилиб, ЮҚХ усулида тозаланган ва таҳлил учун олиб қўйилган.


Шунингдек, алкалоидлар билан захарланиш ҳолатларида биологик суюқликлар (қон, пешоб) ва биологик объектлардан ажратиб олиш услуби ишлаб чиқилган. Мурда қони (5мл) ва пешоби (25мл) модел намуналаридан алкалоидларни ажратиб олиш учун уларга 5 млдан оксалат кислотасининг 5% эритмаси, 2 млдан (95%) этил спирти ва 5 млдан диэтил эфири қўшиб, 1 соатга қолдирилган. Аралашмалар вақти-вақти билан чайқатиб турилган. Кислотали сув қатлами органик эритувчи қатламидан ажратиб олиб филтрланган ва унга натрий ишқорининг 1 М эритмасидан (рН=9) 10 мл ва 5 мл хлороформ қўшилган. Ушбу аралашма механик чайқатгичга 10 дақиқага қўйилган. Сўнгра 3000 айл/дақ. тезликда 5 дақиқа центрифуга қилинган. Хлороформли қаватлар ажратиб олиниб, 1-3 г сувсиз натрий сульфат сақлаган фильтр қоғози орқали ўтказилган. Филтратлар курук қолдиқ қолгунча қуритилган. Қурук қолдиқлар 1 мл этанолда эритилиб, ЮҚХ усулида тозаланган. Тозаланган ажратма тавсия этилаётган услубларда таҳлил қилинган (1-жадвал).

Биологик объект таркибидан алкалоидларни ажратиб олиш учун 100,0 объект модел намуналарига оксалат кислотасининг 5% эритмасидан 15 млдан ва диэтил эфиридан 75 млдан солиб, чайқатиб турган ҳолда 1 соатга қолдирилган. Сўнгра аралашмалар 3000 айл/дақ. тезликда 5 дақиқа центрифуга қилинган. Ажратмаларни филтрлаб олиб, кислотали қатламлар органик эритувчи қатламларидан ажраткич воронка ёрдамида ажратиб олинган ва филтрланган. Бу жараён уч марта қайтарилган. Олинган кислотали ажратмалар бирлаштирилиб, рН муҳити универсал индикатор ёрдамида назорат қилинган ҳолда аммиакнинг концентрланган эритмаси ёрдамида ишқорий шароитга (рН=8-9) келтирилган. Бунда алкалоидлар асос ҳолига ўтган ва улар 20 мл хлороформ билан 5 дақиқа давомида экстракцияланган. Аралашмалардан органик эритувчи қатламлари ажраткич воронка ёрдамида ажратиб олинган. Сувли қатламлар эса яна икки марта (15 ва 10 мл) хлороформ билан 5 дақиқадан экстракцияланган. Учта хлороформли экстрактлар бирлаштирилган. Хлороформли экстракт таркибидаги намликни бартараф этиш учун 3-5 г сувсиз натрий сульфат солинган фильтр қоғози орқали филтрланган. Хлороформли филтратлар курук қолдиқ қолгунча хона ҳароратида қуритилган. Қурук қолдиқлар 1 мл этанолда эритилиб, ЮҚХ усулида тозаланган. Тозаланган элюатлар ишлаб чиқилган услубларда таҳлил қилинганда натижалар усулнинг яроқлилигини кўрсатган. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Таклиф этилаётган услубларда турли объектлардан алкалоидларни ажратиб олиш натижалари

Алкалоидлар	Турли объектлардан ажратиб олинган миқдор, %		
	қон	пешоб	жигар
Кониин	55,12	76,31	43,97
Буксин	58,57	77,39	43,07
Триходесмин	55,38	74,55	43,61
Хелидонин	45,12	67,23	47,92
Сангвинарин	58,78	72,03	48,17
Атропин	59,50	75,06	50,54
Скополамин	49,56	72,86	47,14

Диссертациянинг «Ўсимликларни турли объектлардаги микроскопик таҳлили» деб номланган учинчи бобида ўрганилаётган ўсимликлар билан заҳарланиш ҳолатлари юз берганда дастлабки текширув усулларини ишлаб чиқиш мақсадида олиб борилган микроскопик таҳлиллар натижалари келтирилган. Сассиқ алаф, яшил шамшод ва кампирчопон ўсимликлар баргларининг микроскопик таҳлили алоҳида ўрганилиб, диагностик белгилар аниқланган. Қора мингдевона, белладонна ва катта қончўп ўсимликлари микроскопик тузилиши адабиётларда келтирилган бўлиб, уларнинг заҳарланган инсон ошқозонидан олинган масса таркибида аниқлаш мақсадида солиштирма таҳлиллар олиб борилган.




1-расм. Катта қончўп (а) ва сассиқ алаф (б) барги диагностик белгилари

а - 1 – баргнинг устки эпидермиси; 2 – баргнинг пастки эпидермиси; 3 – устьицалар; 4 – тукчалар; 5 – гидатодалар; 6 – йирик сувли устьицалар; 7 – паренхима ғовак тўқималарининг сувли устьицалари; 8 – сут найчалари

б - 1 - барг эпидермиси; 2 - устьица; 3 - қат-қат кутикула; 4 - булутсимон тўқима


Тажриба учун мос равишда алоҳида-алоҳида лаборатория қуёнларининг овқатига сассиқ алаф, яшил шамшод, кампирчопон, катта қончўп, қора мингдевона, оддий белладонна ўсимликларидан аралаштириб, енгил

заҳарланиш ҳолатини юзага келтирилган. Заҳарланган қуёнлар 0,5-1 соатдан сўнг жонсизлантирилиб, уларнинг ошқозонини ювиб, ювинди сувлар алоҳида идишга йиғилган. Ўсимлик қисмлари пинцет ёрдамида ажратиб олиниб, аввал глицерин-спирт-сув (1:1:1) аралашмаси билан, сўнгра хлоралгидрат эритмаси билан ювилган. Тайёрланган намуналар микроскоп остида кўрилганда ўсимликлар қисмларининг фармакогностик белгилари каби ўзига хос диагностик белгилар аниқланган (1,2,3-расмлар).



2-расм. Яшил шамшод (а) ва кампирчопон (б) барги диагностик белгилари

а - 1 – баргнинг устки эпидермиси; 2 – устьицалар; 3 – тукчалар
 б - 1 – баргнинг устки эпидермиси ва устьицалар; 2 – тукчалар; 3-кўп тармоқли тукчалар



3-расм. Қора мингдевона (а) ва оддий белладонна (б) барги диагностик белгилари

1, 2 – барг эпидермиси қолдиқлари; 3 – тукчалар; 4 – барг томири қолдиқлари; 5 – друзлар (кальций оксалат кристаллари); 6 – баргнинг бўлинган фрагментлари.

Расмда келтирилган диагностик белгилар ушбу ўсимликлар қисмлари билан одамларни заҳарланиш ҳолатларининг суд-кимё экспертизаси ва кимё-токсикологик текширувларида қўлланиши мумкинлигини кўрсатган. Натижалар ошқозон чайинди сувларини микроскопик таҳлил қилинганда турли қисмларининг диагностик белгилари ёрдамида ўсимликни идентификация қилиш мумкинлигини, бу эса ушбу ўсимликнинг кучли таъсир қилувчи моддасини физик ва кимёвий усулларда исбот қилишга йўналиш беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Хроматографик усулларда алкалоидларни аниқлаш”га бағишланган. Ўсимликлар таркибида неча хил

алкалоидлар борлиги ва уларнинг дастлабки – тахминий идентификация қилишда хроматографик таҳлил усулларида қўғоз ва юпка қаватда ўтказиладиган тақсимланиш хроматографик усуллари жуда ҳам қулай ҳисобланади. ЮҚХ-скрининг усули суд-кимё, экология ва кимё-токсикологик таҳлилларда бир томондан моддани аниқловчи услуб, иккинчи томондан биологик объектлардан олинган ажратмаларни тозалаш усули сифатида қўлланилиши мумкин. ЮҚХ-скрининг таҳлилини олиб бориш учун LS 5/40 маркали силикагелдан (13% гипс сақлаган) пластинкалар қуйидаги тартибда тайёрланди:

Чинни идишга 35 г силикагел, 2 г гипс ва 90 мл тозаланган сув солиб, яхшилаб аралаштирилди. Ҳосил бўлган суспензияни 9x12 см ўлчамдаги 10 та шиша пластинкаларга тенг миқдорда, бир текисда қуйиб чиқилди. Хроматографик пластинкалар хона ҳароратида қуритилди ва 105°C ҳароратда 30 дақиқа давомида қуритиш жавонида фаоллаштирилди. Тайёр бўлган силикагел пластинкалар таҳлилгача махсус идишларда – эксикаторларда сақланди.

Таҳлилларда хатоликларни камайтириш мақсадида пластинкаларни ишлатишдан аввал мос эритувчилар системасида ювиб олинди. Тадқиқотларда бир қатор кўзғалувчи фазалар ҳамда очувчи реактивлар ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўрганилаётган ўсимликларнинг алкалоидлари учун тавсия этилаётган ЮҚХ-скрининг таҳлили услублари

Алкалоидлар	Эритувчилар системаси	Очувчи реактив	Rf кўрсаткичи	Элюант
Атропин	хлороформ-ацетон-диэтиламин (50:30:2)	Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,25	Метанол-диэтиламин (9:1)
Скополамин		Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви ёки йод буғлари	0,64	
Кониин	хлороформ-ацетон-диэтиламин (50:30:2)	Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви ёки йод буғлари	0,26	
Конгидрин		Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,68	
Хелидонин	н-бутанол-сирка кислота-сув (40:10:10)	364 нм УБ нурлари ёки Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,53	Хлороформ-метанол (95:5)
Сангвинарин		364 нм УБ нурлари ёки Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,79	
Буксин	этанол-диэтил эфир (8:2) гексан-этилацетат (9:1)	364 нм УБ нурлари ёки Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,72	
Циклобуксин		Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,32	
Триходесмин	хлороформ-ацетон-диэтил-амин (5:4:1)	Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,53	
Инканин		Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,61	

Юпка қатлам хроматографик таҳлилда аниқланган алкалоидларни балласт моддалардан тозалаш мақсадида элюация жараёни ўрганилди.

Ўрганилаётган ўсимликларнинг таркибидаги алкалоидларни тозалаш билан бир қаторда уларни бир-биридан ажратиш олиш мақсадида эритувчилар системаси, очувчи реактив ва элюантлар танлаб олинди.

Тадқиқотлар натижасида ўрганилаётган ўсимликлардан олинган ажратмаларнинг ЮҚХ-скрининг таҳлили учун мўътадил услублар ишлаб чиқилди. Ушбу таҳлил услубларида биологик суюқликлар ва биологик объект таркибидан ажратиш олинган алкалоидларни аниқлаш ва тозалаш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Натижалар ишлаб чиқилган ЮҚХ-скрининг усули ўрганилаётган алкалоидларни идентификациялаш ва ажратмаларни тозалашда яроқлилигини кўрсатди.

Ўсимликлар таркибидан ажратиш олинган алкалоидларнинг турини идентификация қилиш мақсадида ГХ-МС усулида таҳлил олиб борилди. Олинган натижалар изланишларимизнинг кейинги босқичида ташқи стандарт сифатида ўсимликнинг ўзидан ажратиш олинган элюантни қўллаш орқали ЮССХ усулида алкалоидларни аниқлаш имконини берди. Бу эса стандарт моддалар бўлмаган ҳолларда суд-кимёгарларга тезкор таҳлилларни олиб боришга ёрдам беради. Ўсимликлардан олинган ажратмалар 2-жадвалда келтирилган шароитларда ЮҚХ-скрининг усулида тозалаб ажратиш олинди. Олинган ажратмаларнинг хроматограммалари ва масс-спектрлари таҳлили NIST11.L, W10N11_Full.L, Wiley275.L. маълумотлар базасидаги чўққиларга солиштириш орқали амалга оширилди. Ҳар бир хроматографик чўққи интерпретацияси амалга оширилганда мос равишда сассиқ алаф ўсимлигида кониин, катта қончўп ўсимлигида хелидонин ва сангвинарин, яшил шамшод ўсимлигида буксин, кампирчопон ўсимлигида триходесмин алкалоидига хос фрагментлар аниқланди.

ЮССХ усулида таҳлил қилиш тезкор услуб ҳисобланади, чунки мураккаб аралашмаларни бир-биридан ажратиш учун бир неча дақиқа етарли. Бунда бир вақтнинг ўзида аралашма ҳолидаги моддаларни бир-биридан ажратиш, уларнинг чинлигини аниқлаш ва миқдорий таҳлил ўтказиш мумкин. Услубнинг афзалликларини инобатга олган ҳолда изланишларимиз давомида ЮССХ усулида ўрганилаётган ўсимликларни таҳлил қилиш шароитлари ишлаб чиқилди. Тажрибалар “Agilent 1100 series” русумли юқори самарали суюқлик хроматографида олиб борилди. Асбоб юқори босимда ишлашга мўлжалланган тўрт каналли градиент типидagi насос, 190-600 нм тўлқин узунликларида таҳлил ўтказувчи спектрофотометрик детектор, қўзғалувчи фаза таркибидаги газларни йўқотувчи қурилма, 20 мкл ҳажмли ўлчов ускуна – “Rheodyne” инжектори ва хроматографик колонкадан ташкил топган. Асбоб тўлалигича “Chemstation A.09.03” дастури ёрдамида компьютер орқали бошқарилади. ЮССХ таҳлили учун мўътадил шароит сифатида қуйидагилар танланди:

Сассиқ алаф таркибидаги кониинни ЮССХ усулида таҳлил қилиш учун мўътадил шароит сифатида қуйидагилар танланди:


-хроматографик шиша колонка заррачалар йириклиги 3,5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C-18 сорбент билан тўлдирилган, ўлчами 4,6x75 мм;

- қўзғалувчи фаза: ацетонитрил (А) – KH_2PO_4 10 мМ эритмаси ва 1%

изопропанол 50:50 нисбатдаги аралашмаси (Б) (pH=3,5);

- градиент: 0 дақ: А-10%, Б-90%;
0-20 дақ: А-60%, Б-40%;
25 дақ: А-90%, Б-10%
- кўзгалувчи фаза сарфи 0,5 мл/дақ;
- детектор УФ-спектрофотометр;
- детекторлаш тўлқин узунлиги 266 нм;
- таҳлил давомийлиги 25 дақиқа.

Ушбу шароитларда сассиқ алаф ўсимлигидан ажратиб олинган элюат таҳлили олиб борилганда конииинни хроматограммада ҳосил қилган чўққисининг ушланиш вақти 10,1 дақиқани ташкил қилди (4-расм).



4-расм. Сассиқ алаф ўсимлигидан элюация қилиб олинган конииин хроматограммаси

Изланишларимиз давомида юқорида ишлаб чиқилган усул ёрдамида қон, пешоб ва биологик объект таркибидан ажратиб олинган сассиқ алаф ўсимлиги алкалоидини миқдори аниқланди.


Қон модел намуналари таркибидан ишлаб чиқилган усул ёрдамида конииинни 55,12% миқдорда ажратиб олиб уни 3,02% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди. Ишлаб чиқилган ажратиб олиш услуби ёрдамида пешоб модел намуналари таркибидан конииинни 76,31% миқдорда ажратиб олиб, уни 0,91% нисбий хатолик билан аниқланди. Биологик объект модел намуналари таркибидаги конииинни 43,97% миқдорда ажратиб олиб, уни 3,49% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди.

Яшил шамшод таркибидаги буксин алкалоиди таҳлили учун мўътадил шароит сифатида қуйидагилар танланди:

- хроматографик шиша колонка заррачалар йириклиги 5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C-18 сорбент билан тўлдирилган, ўлчами 4,6x250 мм;
- кўзгалувчи фаза: (А) метанол– KH_2PO_4 10 мМ эритмасининг 50:50 нисбатдаги аралашмаси (Б) (pH=3,5);

- кўзгалувчи фаза сарфи 1,0 мл/дак;
- детектор УФ-спектрофотометр;
- детекторлаш тўлқин узунлиги 268 нм;
- таҳлил давомийлиги 40 дақиқа.

Ушбу шароитларда яшил шамшод ўсимлигидан ажратиб олинган ва хроматографик тозаланган ажратма таҳлили олиб борилганда буксин хроматографик чўққисининг ушланиш вақти 28,5 дақиқани ташкил қилди (5-расм).



5-расм. Яшил шамшод ўсимлигидан элюация қилиб олинган буксин хроматограммаси

Ишлаб чиқилган таҳлил услубларини биосуюқликлар таркибидан ажратиб олинган яшил шамшод ўсимлиги алкалоидини миқдорини аниқлашда тадбиқ этилди.

Ушбу таҳлил услублари ёрдамида қон модел намуналари таркибидаги буксинни тавсия этилаётган услуб билан 58,57% миқдорда ажратиб олиб, уни 2,28% нисбий хатоликда аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди. Тавсия этилаётган услуб ёрдамида пешоб одел намуналари таркибидан буксинни 77,39% миқдорда ажратиб олиб, уни 0,92% нисбий хатолик билан аниқланди. Биологик объект модел намуналари таркибидаги буксинни 43,07% миқдорда ажратиб олиб, уни 3,78% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди.

Кампирчопон таркибидаги триходесмин алкалоиди таҳлили учун мўътадил шароит сифатида қуйидагилар танланди:


- хроматографик шиша колонка заррачалар йириклиги 5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C-18 сорбент билан тўлдирилган, ўлчами 4,6x150 мм;

- элюент изократик, кўзгалувчи фаза: (А) ацетонитрил-сув 70:30 нисбатдаги аралашмаси (рН=2,8);

- кўзгалувчи фаза сарфи 0,45 мл/дак;
- детектор УФ-спектрофотометр;
- детекторлаш тўлқин узунлиги 223 нм;

- таҳлил давомийлиги 30 дақиқа.

Ушбу шароитларда кампирчопон ўсимлигидан ажратиб олинган ва хроматографик тозаланган ажратма таҳлили олиб борилганда триходесмин алкалоиди хроматографик чўққисининг ушланиш вақти 17,5 дақиқани ташкил қилди (6-расм).



6-расм. Кампирчопон ўсимлигидан элюация қилиб олинган триходесмин хроматограммаси

Таҳлил услубларини биосууюқликлар модел намуналари таркибидан ажратиб олинган триходесмин алкалоидини аниқлашга тадбиқ этилди.

Тавсия этилаётган ажратиб олиш усуллари ёрдамида триходесминни қон намуналари таркибидан 55,38% миқдорда ажратиб олиб, уни 1,65% нисбий хатолик билан, пешоб модел намуналари таркибидан 74,55% миқдорда ажратиб олиб, уни 1,11% нисбий хатолик билан, биологик объект модел намуналари таркибидан 43,61% миқдорда ажратиб олиб, уни 2,93% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди.

Катта қончўп ўсимлиги алкалоидлари таҳлили учун ЮССХ усулида таҳлилнинг мўътадил шароити сифатида қуйидагилар танланди:

-хроматографик шиша колонка заррачалар йириклиги 3,5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C – 18 сорбент билан тўлдирилган, ўлчами 3x150 мм;

- қўзғалувчи фаза: (А) ацетонитрил– KH_2PO_4 (рН=7,4) 10 мМ эритмаси 50:50 нисбатдаги аралашмаси; изократик элюация;

- қўзғалувчи фаза сарфи 0,4 мл/дақ;

- ҳарорат 30 °С

- детектор – УФ-спектрофотометр;


- детекторлаш тўлқин узунлиги 280 нм;

- таҳлил давомийлиги 50 дақиқа.

Ушбу шароитларда ўсимликдан олинган ажратма таҳлили олиб борилганда хелидонин учун ушланиш вақти 43,4 сангвинарин учун эса 27,5 ни ташкил қилди (7-расм).

Ишлаб чиқилган таҳлил услубларини диссертациянинг иккинчи бобида келтирилган усулда биосууюқликлар таркибидан ажратиб олинган катта

қончўп алкалоидларини аниқлашга тадбиқ этилди.



7-расм. Катта қончўп ўсимлигидан элюация қилиб олинган сангвинарин (а) ва хелидонин (б) хроматограммаси

Ишлаб чиқилган услуб ёрдамида қон модел намуналари таркибидан сангвинаринни 58,78%, хелидонинни эса 45,12% миқдорда ажратиб олиб, уларни мос равишда 3,06% ва 3,92% нисбий хатолик билан; пешоб модел намуналари таркибидан сангвинаринни 72,03%, хелидонинни эса 67,23% миқдорда ажратиб олиб, уларни мос равишда 3,97% ва 3,88% нисбий хатолик билан; биологик объект модел намуналари таркибидаги сангвинаринни 48,17%, хелидонинни эса 47,92% миқдорда ажратиб олиб, уларни мос равишда 3,83% ва 3,68% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди.

Қора мингдевона ва оддий белладонна ўсимликларидан олинган ажратмалар учун таҳлил шароитлари:

-хроматографик шиша колонка заррачалар йириклиги 3,5 мкм бўлган Zorbax Eclipse XDB C-18 сорбент билан тўлдирилган, ўлчами 4,6x75 мм;

- кўзгалувчи фаза: ацетонитрил (А) – KH_2PO_4 10 мМ эритмаси ва 1% изопропанол 50:50 нисбатдаги аралашмаси (Б) (рН=3,5);

- градиент: 0 дақ: А-10%, Б-90%;

0-20 дақ: А-60%, Б-40%;

25 дақ: А-90%, Б-10%

- кўзгалувчи фаза сарфи 0,5 мл/дақ;


- детектор УФ-спектрофотометр;

- детекторлаш тўлқин узунлиги 254 нм;

- таҳлил давомийлиги 10 дақиқа.

Ушбу шароитларда ўсимликлардан ажратиб олинган атропин ва скополамин элюатларининг таҳлили олиб борилганда атропиннинг ушланиш вақти 4,5 дақиқани, скополаминики эса 2,5 дақиқани ташкил қилди (8-расм).


Ушбу таҳлил шароитлари биологик суюқликлардан ажратиб олинган алкалоидлар таҳлиliga тадбиқ этилди ва кутилган натижаларга эришилди.




8-расм. Ўсимликдан ажратиб олинган атропин (а) ва скополамин (б) элюати хроматограммаси

Ушбу таҳлил услублари ёрдамида диссертациянинг иккинчи бобида келтирилган усулда алкалоидларни турли объектлардан ажратиб олинган ажратмалар таҳлил қилинди. Бунда қон таркибидан атропинни 59,50%, скополаминни эса 49,58% миқдорда ажратиб олиб, уларни 1,36% ва 1,91% нисбий хатолик билан аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди. Пешоб модел намуналари таркибидан атропинни 75,26%, скополаминни эса 73,26% миқдорда ажратиб олиб, уларни 1,39% ва 1,79% нисбий хатолик билан аниқлашга эришилди. Биологик объект модел намуналари таркибидан атропинни 50,54% миқдорда, скополаминни эса 47,14% миқдорда ажратиб олиб, уларни 2,75% ва 1,31% нисбий хатолик билан аниқланди.


Диссертациянинг бешинчи боби “Спектрал усулларнинг алкалоидлар таҳлилида қўлланилиши”га бағишланган. УБ-спектрофотометрик усул нисбатан сезгирлиги паст бўлса ҳам кимё-токсикологик таҳлилларда кенг қўлланилади. Ушбу усул осон, тез бажариладиган, мураккаб жиҳоз ва тайёргарликни талаб этмайдиган усул, шунингдек барча суд-кимё лабораториялари УБ-спектрофотометр билан тўлиқ таъминланган. Ўсимликлардан олинган ажратмалар тўртинчи бобда келтирилган таҳлил шароитлари ёрдамида хроматографик тозаланди. Олинган элюатларнинг спектрал характеристикалари ўрганилди (9-12-расмлар).



9-расм. Сассиқ алаф ўсимлигидан ажратиб олинган конииин алкалоиди УБ-спектри




а




б

10-расм. Яшил шамшод ўсимлигидан ажратиб олинган буксин (а) ва кампирчопон ўсимлигидан ажратиб олинган триходесмин (б) алкалоидларининг УБ-спектрлари



